

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 24 ноябрь куни мева-сабзавотчилик ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги кластер тизими асосида ривожлантирилмоқда. Пахта-тўқимачилик, галлачилик, мева-сабзавотчилик, узумчилик кластерлари сифат ва даромад жиҳатидан изчил ўсмоқда.

Мева-сабзавотчиликда ҳам кўплаб кластерлар ташкил этилган. Лекин натижалар мавжуд салоҳият даражасида эмас. Масалан, бу тармоқда экспорт миқдорини ҳозирги 1 миллиард 200 миң доллардан 5 миллиард долларга кўпайтириш мумкинлиги ҳисоб-китоб қилинган.

Илгари пахтачиликда фақат хомашё сотардик. Котировка энг яхши бўлган йилда даромад 1 миллиард доллар атрофида бўларди.

Илгари пахтачиликда фақат хомашё сотардик. Котировка энг яхши бўлган йилда даромад 1 миллиард доллар атрофида бўларди. Мана, ҳозир пахтани ўзимизда қайта ишлаб, 3 миллиард долларга чиқдик. Бу фақатгина экспорт кўрсаткичи.

Шу боис мева-сабзавотчилик кластерлари, деҳқон хўжаликлари ва томорқачиликни ривожлантириш, уларни молиялаштириш, агрохизматлар кўламини кенгайтириш бўйича янги тизим жорий этилиши таъкидланди.

Унга кўра, шу йил 1 декабрдан бошлаб, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан мева-сабзавот етиштирувчиларни имтиёзли кредитлаш йўлга қўйилади.

Кластерларга аҳолидан маҳсулот сотиб олишга айланма маблағ учун 12 ойлик "револьвер" кредитлар ҳам берилди. Яъни, кластер қачон зарур бўлса, маблағ олади ва фойзини кредитдан фойдаланган давр учун тўлайди.

Кичик интенсив боғ, узумзор ва мева-сабзавотчиликни ривожлантириш учун 14 фоизлик имтиёзли ставкада 100 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилди.

Яна бир қўллов – экспорт шартномаси бўлган мева-сабзавот ҳосилини хавф-хатардан сугурталаш харажатларининг 50 фоизи бюджетдан қоплаб берилди.

Мутасадди вазирликларга мазкур тизимни йўлга қўйиш бўйича курсатмалар берилди. Жорий йилнинг 23 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда келгуси йили пахта ва галладан қисқартириладиган 80 миң гектар ер аҳолига деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун берилиши белгиланди. Бу майдонлар очиқ электрон танлов ўтказиш орқали, 10 сотихдан 1 гектаргача ўлчамда, 10 йил муддатта ижарага берилди.

Давлатимиз раҳбари бунда яратилган иш ўрни ва деҳқончилик тажрибаси асосий мезон бўлишини, эҳтиёжманд аҳолига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Бундай хўжаликлар учун оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 6 ойлик имтиёзли давр билан 2 йилгача кредит ҳам берилди. Лекин ердан оқилна фойдаланилмас, ижара шартномаси суд орқали муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

Мутасаддиларга ушбу тартиб асосида ерларни очиқ танловга чиқариш, кадастр рўйхатидан ўтказиш бўйича топшириқлар берилди.

Илгари пахтачиликда фақат хомашё сотардик. Котировка энг яхши бўлган йилда даромад 1 миллиард доллар атрофида бўларди. Мана, ҳозир пахтани ўзимизда қайта ишлаб, 3 миллиард долларга чиқдик. Бу фақатгина экспорт кўрсаткичи.

Томорқа хизмати корхоналарига ҳам 300 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилди. Самарани ишлаётган шундай корхоналар негизда томорқа хизмати кластерлари ташкил этилади.

Томорқа хизмати корхоналарига ҳам 300 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилди. Самарани ишлаётган шундай корхоналар негизда томорқа хизмати кластерлари ташкил этилади.

Экинларни сув билан таъминлаш ҳам долзарб масала. Шу боис сув бориши қийин томорқалар ва фойдаланишдан чиққан майдонларни сугориш харажатларининг бир қисмини бюджетдан қоплаш тартиби 2026 йил 1 январгача узайтириладиган бўлди.

Хонадонда товуқ, қуён ва чорва боқиш – тўқлик, тўқинлик манбаи. Бундай оилада энг зарур кундалик маҳсулотлар доим бўлади. Шу боис йиғилишда хонаки парранда наслчилигини ривожлантириш, ҳар бир туманда ветеринария хизмати ва кичик инкубаторлар ташкил этиш, озуқа етказиб бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Туманларда мева-сабзавот ва узумчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳа офислари ташкил этилиши белгиланди. Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари, тармоқ ва худуд раҳбарлари сўзга чиқди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИКДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ УЛУШИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш ва соҳага бозор механизмларини жорий этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда республикада етиштирилётган 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дунёнинг 66 та мамлакатига экспорт қилинмоқда. Бунда, мева-сабзавотлар ва дуккакли маҳсулотларнинг экспорт ҳажми 2016 йилдан 2021 йилга қадар қарийб 2 бараварга ошган.

Шу билан бирга, пахта ва галладан қисқартириладиган ер майдонларида боғдорчилик, узумчилик, полиз ва сабзавотчилик, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш соҳасида экспортбон қишлоқ хўжалиги экинлари экинни кўпайтириш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламларини жалб қилиш орқали ушбу ерлардан самарали фойдаланиш тизимини яратиш эвазига тармоқда кўшимча ўсишга эришишда илмий асосланган ёндашув ва ўрганишларни инобатга олиш тақозо этилмоқда.

Жумладан, ҳисоб-китобларга кўра 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хомашёсига нисбатан узумдан 7 баравар, гилосдан 6 баравар, ёнғоқдан 5 баравар кўп даромад олиш ҳамда ушбу ерларда оилавий тадбиркорлик доирасида кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"да рўйхатда турган эҳтиёжманд оилаларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш бўйича катта имконият мавжуд.

Аҳолининг даромад топишга қаратилган тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолига ағдар тармоқда ўз бизнесини ташкил этишга кўмаклашиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш ва қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва галладан қисқартирилган 200 миң гектар экин майдонларини 2022-2025 йилларда 1-1.13-иловаларда мувофиқ босқичма-босқич захирага қайтариш;

2. Белгилансинки: қишлоқ хўжалиги мақсадлари, шу жумладан, деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаларини ижарага бериш бўйича материалларни тўплаш, кўриб чиқиш, уларни ваколатли органлар ва ташкилотлар билан келишиш "Е-IJARA" ахборот тизими орқали амалга оширилади; қишлоқ хўжалиги мақсадлари, шу жумладан, деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкалари "Е-AUKSION" электрон савдо платформасида очиқ электрон танлов ўтказиш орқали ижарага берилди, бундан Ер кодексига мувофиқ ер участкаларини Вазирлар Маҳкамаси томонидан ижарага бериш ҳоллари мустасно; деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкаларини очиқ электрон танлов орқали ижарага беришда ўз томорқасида мева-сабзавотчилик, полиз маҳсулотларини етиштириш ва узумчиликда яхши натижаларга эришган, ушбу соҳалардан бирида таянч мутахассисликка эга бўлган фуқароларга, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"да рўйхатда турган эҳтиёжманд оилаларга алоҳида устуворлик берилди.

қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) ва Кадастр агентлиги (Ф.К.Умаров) билан биргаликда:

2021 йил 31 декабрга қадар туманлар (шаҳарлар) ҳисобидаги бўш турган ва захирадаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилишини;

мазкур қарорга 1-1.13-иловаларда кўрсатилган ер майдонлари тегишли йилдаги ҳосил йиғиб олингандан кейин туман (шаҳар) ҳокимликларининг захирасига белгиланган тартибда қайтарилиши ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилишини; захирага олинган ер участкаларини давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари туман (шаҳар) ҳокимликлари буюртмасига асосан амалга оширилишини ҳамда туман (шаҳар) маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини;

давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ер майдонларининг 0,10 гектардан 1,0 гектаргача бўлган ҳажмларда лотларга ажратилиб, бир ой ичида очиқ электрон танловга қўйилишини;

ер тўғрисидаги қонунчилик ва ижара шартномаси талаблари бажарилмаганда, жумладан, ижарага берилган ер участкасидан оқилна фойдаланилмаганда ерга бўлган ҳуқуқ Ер кодекси ва "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонунга асосан бекор қилиниши ҳақида деҳқон хўжаликларини орасида тушунтириш ишлари олиб борилишини таъминласин.

(Давоми 2-саҳифада)

"Янги Ўзбекистонда гендер тенглик масаласи"



Реклама хуқуқи асосида

Жамиятимизда гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди, аёл ва эркекларнинг тенг имтиёзлар асосида ўз имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Шу муносабат билан "Ипотека-банк" АТИБда Бош офис ва филиаллар ходимлари учун "Янги Ўзбекистонда гендер тенглик масаласи" мавзусида ўқув семинари бўлиб ўтди. Семинар банкимизнинг "Гендер тенгликни таъминлаш масалалари" бўйича Маслаҳат кенгаши томонидан ташкил этилди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистонда бир қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, гендер тенглиги ва аёлларни зўравонлик ва зулмдан ҳимоя қилиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақомини кучайтириш тўғрисидаги фармон ва қарорлар билан аёлларни таништириш орқали уларнинг ҳуқуқлари бўйича саводхонлигини ошириш бўлди.

Учрашув қизғин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди. Берилган саволларни мутахассислар батафсил жавоб беришди.

Ипотека-банк ахборот хизмати

ЮЗ ҲАЙДАМА, БИР ҲАЙДА...

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

"Қашқар диёри" фермер хўжалиги юксалиш борасида наинки Шаҳрихонда, вилоятда ҳам ўз нуфузига эга. Хўжалик раҳбари Тоймирза Юсуповнинг тиши далада чиққан бўлиб, айниқса, иқтисодчи сифатидаги қарашлари туфайли олинадиган даромад юқорилаб бормоқда.

Фермернинг айтишича, кузги шудгор деҳқончилигининг боши ҳисобланади. Бежизга аввалгилар "Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда", дейишмаган. Режа бўйича хўжаликда 55 гектар ер кузги шудгор қилиниши белгиланган. Механизатор Тўлқинбой Жўраев мавсумга қўқори унумли трактори ва омончини пухта таъмирдан чиқарди. Ҳозирга қадар 40 гектар ер чуқур ҳайдалди. Бугун-эрта қолган майдонда ҳам ушбу тадбир нияосига етди.

– Далаларимиз атрофида кўриб турганнингиздек, зовурлар бор, – дейди Тоймирза Юсупов. – Демакки, ер ости сувларининг кўтарилиб ёки пасайиши бор гап. Шудгор тугаши биланок пушта олиш баробарида ҳар гектар ерга 200 килограмдан аммафос соламыз.

(Давоми 2-саҳифада)

ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ОЛИЙ ШАРАФ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФААСИГА КЎМАКЛАШУВЧИ "ВАТАНПАРВАР" ТАШКИЛОТИ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА 30 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН НАМАНГАНДА "ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ОЛИЙ ШАРАФ" ШИОРИ ОСТИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.

Унда таъкидланганидек, "Ватанпарвар" Наманган вилояти кенгаши ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, эртамиз эгаларини мудофаа соҳасидаги бошланғич билимларга ўқитиш ва ҳарбий хизматга тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги "Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда қақирлувчиларни ҳарбий техник мутахассисликлари бўйича тайёрлаш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори тизим фаолияти ривожда дастуриламал бўлмоқда.

– Ташкилотимизнинг асосий мақсади Ватанимиз хавфсизлигини, унинг қуролли кучлари, мудофаа қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, кенг халқ оmmas, хусусан, ёшларни меҳнат ва Ватанин химоя қилишга тайёрлашдир, – дейди "Ватанпарвар"

ташкilotи Наманган вилояти кенгаши раиси Аҳмаджон Аълоҳўжаев. – Бугунги кунда Кенгаш тасарруфида 13 та ўқув спорт техника клуби ва вилоят техник, амалий спорт турлари маркази бўлиб, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида камол топтириш, шаҳар ва туманларда, чекка, олис худудларда техник-амалий спорт турларини ривожлантириш, автомобилотранспорт воситалари ҳайдовчиларини, шунингдек, оммавий техник касблар мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида эътиборга молик ютуқларга эришилди.

Ўқув спорт техника клубларидаги ташкilotларда Олимпикка ўйинлари дастурига киририлган спорт турлари бўйича тўғрақ ва секциялар фаолият юритиб келмоқда. Туман ва шаҳар ўқув спорт техника клублари ҳамда ўқув муассасалари қошида



59 та секция бўлиб, 33 нафар тренер 755 нафар ёшга спортнинг техник ва амалий турларидан машғулот ўтмоқда. Наманган шаҳар ўқув спорт техника клуби тарбиялувчиси Мухтасар Тоҳирова жорий йилда Токиода бўлиб ўтган ёзги Олимпикка ўйинларида ёзги биатлон бўйича иккита йўналишдаги баҳсларда иштирок этиш бахтига муяссар бўлди. Ўқ отиш спорти секциясида шугулланиб келаётган Мухаммад Камолов шу йилнинг сентябрь ойида Россия Федерациясининг Қозон шаҳрида бўлиб ўтган биринчи МДХ давлатлари ўйинларида пневматик милтиқдан ўқ отиш йўналишида голиб чиқиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Андижонда шудгорлаш ишларига 515 та ҳайдов трактори жалб этилган



ЮЗ ҲАЙДАМА, БИР ҲАЙДА...

(Боши 1-саҳифада)

Об-ҳавонинг келишига қараб эса имкон бўлса икки марта сув очамиз. Бу билан бир ўк билан иккита қуёвни урган бўламиз. Яъни, сув очиб ҳисобига шўр ювилган, совуқ урса тупроқ дондор бўлади. Қарабсизки, баҳорда чигит экиш учун қўлай шароит яратилади.

Келгуси йил ҳосили учун вилоят миқёсида 102 минг 500 гектар майдон шудгорланиши белгиланган. Ҳар бир ҳудуднинг шароитидан келиб чиқиб кузги шудгор амалга оширилмади. Негаки, барча майдонда пушта олиш ва сугориш агротехника талабларига тўғри келмади. Олтинқўл, Балиқчи, Улуғнор, Бўстон, Шаҳрихон туманларида қачонки пушта олинган тақдирда кузги тадбир ниҳоясига етган бўлади.

Тоголди ҳудудида жойлашган Жалакудук туманидаги фермер ҳўжалиқларида айнан ўғит бериш ва кейин эса шудгорлаш амалиёти сифатли амалга оширилади.

50 та юқори умумий ҳайдов трактори билан 300 гектар атрофида ер ҳайдалмоқда. Тумандаги "Алёр текс" пахтачилик кластери томонидан ҳайдовда иштирок этаётган

Қобилжон АСҚАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.



ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИГА КИЗМАТ ОЛИЙ ШАРАФ

(Давоми 1-саҳифада)

Шунингдек, у сентябрь ойида Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳри мезбонлик қилган XXIV-Совёб чемпионатида кумуш ва бронза медалларини қўлга киритди.

Умуман олганда, жорий йилнинг шу даврига қадар спортнинг техник ва амалий турлари бўйича ўтказилган мусобақа натижаларига кўра, жами 22 та олтин, 20 та кумуш ва 27 та бронза медаллари қўлга киритилди.

Шунингдек, кенгаш тасарруфидидаги 13 та ўқув спорт техника клуби ва вилоят техник ва амалий спорт турлари маркази бўлиб, ҳозирги кунда халқ ҳўжалиғига оммавий касб ходимларини тайёрлаш бўйича ўқув ва спорт ташкилотлари томонидан оммавий касб ходимларини тайёрлаш режасига асосан "А", "В", "С", "D", "E", "F", "G" тоифали ҳайдовчиларни тайёрлаш ва "В-С", "D", "E", "F", "G" тоифали бўйича қайта тайёрлаш ишлари сифатли даражада ташкилланган.

Ҳозирги кунда ташкилотларда турли тоифадаги ҳайдовчиликка тайёрлаш мақсадида "Е-АВТОМАКТАВ" электрон платформасидан кенг қўлдан фойдаланилмоқда.

"Ешлар дафтари"га киритилган ўғил-қизларни ҳайдовчилик курсларида ўқитиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги "Ешларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган низом талаблари асосида ҳар бир таълим олувчи учун ўқув тўлов маблағларининг 75 фоизига бўлган қисми "Ешлар жамғармаси" ҳисобидан тўлаб берилмоқда.

Ҳозирча вилоят бўйича жами 1397 нафар "Ешлар дафтари"га киритилган ёшлар ҳайдовчилик курсларида таълим олди.

Тантанали тадбирда қўл йиллик меҳнатлари билан ёшларни Ватанга садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни спортнинг техник ва амалий турларига жалб этиш ҳамда оммавий техник касбларга тайёрлаш бўйича тизимли ишларни амалга оширишда фаоллик кўрсатган "Ватанпарвар" ташкилоти фидойилари ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари муносиб тақдирланди.

Шунингдек, вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси билан ҳамкорликда "Ватанпарвар" ташкилотининг 30 йиллиги муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимлари ва блогерлар ўртасида эълон қилинган "Ватанпарвар" ташкилотининг янги даври мавзусидаги кўрик-танловда голиб чиққан ижодкорлар турли номинациялар бўйича мукофотланди.

Оқилжон ДАДАБОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИКДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ДЕҲҚОН ҲЎЖАЛИКЛАРИНИНГ УЛУШИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

Мазкур топшириқ ижросини ўз вақтида таъминламаган туман (шаҳар) ҳокимлари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши ҳақида оголантирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда:

Деҳқон ҳўжалигини юритиш учун ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламенти;

Юридик шахсларга қишлоқ ҳўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламенти;

Қишлоқ ҳўжалиғига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

5. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х.Шерматов) билан биргаликда бир ой мuddатда "Е-ІАРА" ахборот тизимини ишга туширсин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиқов) "Е-AUKSION" электрон савдо платформасида очиб электрон танловларни ташкил этиш учун зарур техник имкониятларни яратсин.

6. "Е-ІАРА" ахборот тизимига интеграция қилиш орқали идоралараро электрон маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилганда вазирлик ва идоралар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиқов) билан биргаликда бир ҳафта мuddатда мазкур қарорга 2-иловада кўрсатилган вазирлик ва идоралар ўртасида тегишли маълумотларни алмашиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев, қишлоқ ҳўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раёиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари:

ер участкалари ажратилган деҳқон ҳўжалиқларни томонидан бог ва экинларнинг ўзи мuddатда экилиши ва парвари қилинишига қўмақлашиш бўйича ишларни манзилли ташкил этсин;

ажратилган ер майдонларининг тупроқ шароити, ер балл бонитети, сув билан таъминланганлик даражаси, ҳудуд аҳолисининг таърибидан келиб чиққан ҳолда "Бир ҳудуд – бир маҳсулот" тамойили асосида маҳсулот етиштиришга асосий эътибор қаратсин;

ер майдонларида зарур агротехник тадбирларни бажариш, ўғит ва сув билан таъминлаш, инфратузилма объектларини яратиш учун зарур шарт-шароитларни яратсин;

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (И.К.Эргашев) билан биргаликда ер майдонларида зараркунандалар ҳамда касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида тизимли кузатувларни ташкил этиб, деҳқон ҳўжалиқларига бог ва экинларни ҳимоя қилиш ишларини ўз вақтида бажаришда амалий ёрдам кўрсатсин;

деҳқон ҳўжалиқлари билан агро-саноат кластерлари, тайёрлов, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи корхоналар (кейинги ўринларда – тадбиркорлик субъектлари) ўртасида кооперация алоқаларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратсин;

деҳқон ҳўжалиқлари ва улар би-

лан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектлари ўртасида уруғлик, кўчат, минерал ўғит ва кимёвий воситалар етказиб бериш, зарурий агротехник хизматлар кўрсатиш ишларини ташкил этишда шартномавий муносабатларни ривожлантиришга қўмақлашсин;

қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини йиғиш, ташиниш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг барча босқичларини қамраб олган кичик агрологистика марказлари фаолиятини йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

8. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) билан биргаликда Халқаро молия институтларидан жалб қилинган қарзнинг 100 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги маблағларни тижорат банкларига миллий валютада 3 йил имтиёзли давр билан 10 йил мuddатда йиллик 10 фоиз ставкада жойлаштирсин.

Белгилаб қўйилсинки, тижорат банкларига жойлаштирилган маблағлар мазкур қарорга асосан ажратилган кредитлар бўйича гаров таъминоти сифатида қабул қилинади.

9. Кредит маблағлари "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури шартлари асосида тижорат банклари томонидан деҳқон ва фермер ҳўжалиқлари, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи бошқа корхоналарга ер майдонида кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчиликни ривожлантириш, полиз, дуккакли, мойли экинлар ва картошка етиштириш учун қўйидаги шартларда тақдим этилиши белгилансин;

ҳар бир лойиҳа миллий валютада 100 миллион сўмдан ошмаган миқдорда йиллик 14 фоиз ставкада молиялаштирилсин;

кредитлар кичик интенсив боғдорчилик ва узумчиликка 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилдан кўп бўлмаган мuddатда, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчиликка 6 ойгача имтиёзли давр билан 2 йилгача мuddатда ажратилади;

кредит таъминоти сифатида кредит қайтмаслик хатаридан сугурта қилиш полиси тақдим этилади;

кредитлар деҳқон ҳўжалиқларига янги жорий этилаётган ҳошим ёрдам-чиларининг ёзма тавсиясига асосан ажратилади.

10. Белгилансинки, мазкур қарорга асосан ажратиладиган кредит маблағлари унинг белгиланган умумий миқдори (100 миллион сўм) доирасида кредит олувчилар томонидан ўз бизнес-режалари асосида, шу жумладан:

ижарага олинган ёки ўз эгалигида бўлган ер майдонида мазкур қарор билан белгиланган йўналишдаги лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги хузуридаги "Агросервис оператор" ДУК ёки бошқа салоҳиятли иктисослашган ташкилот билан тузилган шартномаларда мувофиқ "тайёр ҳолда" топшириш тамойили асосида бажарилган ишларга ҳақ тўлаш учун;

кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчиликда сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш, сифатли кўчатлар, уруғликлар, минерал ўғитлар, кимёвий ва биологик препаратлар, қишлоқ ҳўжа-

лиги техникалари (экиш сеялкалари, ишлов бериш ва йиғиб олиш агрегатлари) харид қилиш учун;

олинган кредитнинг қайтмаслик хатаридан сугурта қилиш бўйича сугурта муқофоти тўловини амалга ошириш учун фойдаланилиши мумкин.

11. Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиқов) тижорат банкларига "Е-AUKSION" ахборот тизими орқали ижарага берилган ер майдони, танлов голибининг лойиҳа бўйича олган мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни текшириш учун техник имкониятлар яратилишини таъминласин.

12. Деҳқон ҳўжалиқлари учун қисқа мuddатли интенсив ўқув курсларини ташкил этиш бўйича республика ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда – Республика ишчи гуруҳи) тузилсин ва унинг таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик йўналишларида, шунингдек, очиб электрон танловда иштирок этиш бўйича малакали тренер-консультантларни тайёрлаб, улар ёрдамида деҳқон ҳўжалиқлари учун қисқа мuddатли интенсив ўқув курсларини ташкил этиш Республика ишчи гуруҳининг асосий вазифаси ҳисоблансин.

Республика ишчи гуруҳи (Ж.А.Ходжаев) Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

йилгирма кун мuddатда ҳар бир ҳудуд учун камида 10 нафардан малакали тренер-консультантларни тайёрлаш бўйича дастур ва уларни танлаб олишга доир талабларни ишлаб чиқсин;

бир ой мuddатда деҳқон ҳўжалиқлари учун қисқа мuddатли интенсив ўқув курсларини ташкил этиш дастурини ишлаб чиқсин ва ҳар бир туманда режа-график асосида ушбу ўқув курсларининг ташкил этилишини таъминласин;

қишлоқ ҳўжалиғидидаги янги илмий ёндашувлар, мавжуд халқаро таъриба ва деҳқон ҳўжалиқларининг фаолиятини ўрганиш натижасида аниқланаётган масалаларни инобатга олган ҳолда, уларга яқиндан, шу жумладан, Интернет тармоғи орқали доимий тарзда маслаҳат бериб бориш тизимини йўлга қўйсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги "Ўзумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илгор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5200-сон қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этилган узумчиликни ривожлантириш бўйича доимий лойиҳа офислари (кейинги ўринларда – лойиҳа офислари) деб қайта номлансин.

Белгилансинки:

лоийҳа офисларининг боғдорчилик ва сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича фаолияти Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш агентлиги томонидан бошқарилади;

ҳар бир лойиҳа офисига Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан

бидан боғдорчилик ва сабзавотчилик ривокланган давлатлардан малакали мутахассислар жалб қилинади.

Лойиҳа офисларига қўйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

интенсив усулда, шу жумладан, кластер ва кооперация усулида боғлар, сабзавотчилик майдонларини ташкил этиш;

ажратилаётган ер майдонларида ташаббускорлар томонидан интенсив боғлар, сабзавотчилик майдонлари барпо этилишини мониторинг қилиш ҳамда кўчатларни экиш бўйича тавсиялар бериш;

интенсив боғлар барпо этишга яроқли ер участкаларини танлов, уларнинг очиб электрон танловга чиқарилишини ташкил этиш;

интенсив боғлар ва сабзавотчилик майдонларида кўчатлар, минерал ўғитлар етказиб бериш, агрохизматлар кўрсатиш, маҳсулотни сотишни ташкил этишга қўмақлашиш.

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги бир ой мuddатда мавжуд шартлар доирасида Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш агентлигининг ҳудуд бўлиmlларини очиб бўйича қарор лойиҳасини киритсин.

14. Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д.Қудбиев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов) янги жорий этилаётган ҳошим ёрдамчилари билан бирга мазкур қарор доирасида ажратилган ер участкалари, кредит ресурслари ҳисобига доимий ва барқарор даромад манбаига эга бўлган фуқароларга қонунчиликда белгиланган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтишга қўмақлашсин.

15. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) сугурта компаниялари ва тижорат банклари билан биргаликда икки ой мuddатда:

қишлоқ ҳўжалиги соҳасида халқаро сугурта амалиётидан келиб чиқиб, сугурта ташкилоти томонидан амалда оширилаётган лойиҳалар бўйича кредит қайтмаслик хатарини келтириб чиқарувчи барча иқтисодий тенденциялар, бошқарув ва табиат таъсири билан боғлиқ омиллар қамраб олиниши, ушбу омилларни тўлиқ мониторинг қилиш ҳамда мазкур кредитлар бўйича сугурта ҳодисаси рўй берганда тижорат банкларининг биринчи талабига мувофиқ мавжуд қардорлик (жумладан, ҳосил олинмаган давр учун мавсумий қардорлик) тўлаб берилишини назарда тутувчи соддалаштирилган тартибни;

мазкур қарор билан белгиланган йўналишларда ажратилган кредитлар бўйича сугурта қопламалари (товонлари) тўланиши натижасида уларнинг умумий миқдори сугурта компанияси ўз капиталининг муайян миқдоридан ошган тақдирда, сугурта компаниясининг зарарини Молия вазирлиги томонидан Давлат бюджетга маблағлари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўлаб бериш механизмининг жорий этиш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

16. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А.Х.Қўлдошев) билан биргаликда ҳудудларга чиққан ҳолда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 23 ноябрь

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

САРА УРУҒ – САРА ҲОСИЛ

Қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ичида юрган мухбир сифатида мени бир масала қийнаб келарди. У ҳам бўлса баъзи бир фермер ҳўжалиқларига етказиб берилмаётган сифатсиз галла уруғлари, ёввойи ўтлар исканжасида қолган галлазорлар, кўнгил тўлмаётган натижалар... Ахир, бу каби сараланмаган, сифатсиз уруғни эккан фермернинг қачон бири икки бўлади, иқтисоди бакувват, ривожланган, кўп тармоқли ҳўжаликка қачон айланади?



– Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги хузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази тизимидаги элита уруғчилик ҳўжалиқларида қишлоқ ҳўжалиги экинлари уруғларини жамғариш, сақлаш ва қайта ишлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг ҳаётга тадбиқ этилиши уруғчилик йўналишида фаолият олиб бораётган ҳўжалиқлар учун айна мuddао бўлди, – дейди Наманган вилояти уруғчиликни ривожлантириш маркази тасарруфидида фаолият олиб бораётган Уйчи элита уруғчилик ҳўжалиги МЧЖ раиси



Рустамжон Расулов. 2019 йилнинг декабрь ойида ташкил топган бу ҳўжалик 2020 йил мобайнида 96 гектар майдонда пахта, галла, шולי экинларидан юқори авлодли, сара уруғлар етиштириш борасида самарали фаолият олиб борди. Қисқа фурсатда шартномавий келишув асосида ҳамкорлик қилиб келаётган фермер ҳўжалиқлари ишончини қозонди. 2021 йилда 40 гектар майдонга Россиядан келтирилган галланинг "Безостая-100" элита навини экиб, белгиланган агротехник талаблар асосида парвардани йўлга қўйилди. 70 центнердан юқори хирмон кўтарилди. Лаборатория ва махсус ускуналардан ўтказилган, қадоқланган 160 тонна юқори авлодли, қафолатли уруғ яна фермерларга етказиб берилди. 7 гектар майдондаги "Тарона", "Искандар-Аланга" элита шולי навидан 35 тонна уруғ захираси яратилди. 40 гектар ерга қадалган пахтанинг "С-82-95" элита навидан ҳар гектар

ҳисобига 37 центнерга яқин сифатли ҳосил териб олинди. Ўз тасарруфида қолган пахтани илг марта мустакил қайта ишлаб, қафолатли, юқори авлодли уруғлар тайёрлаш, қадоқлаш жараёни давом этмоқда. Бугун Уйчи элита уруғчилик ҳўжалиғида 2022 йил деҳқончилик учун истиқболли режалар тузиш, унинг ижросини таъминлаш йўлида кенг қўламада сазй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Жорий йилда қўлга киритилган натижаларга салмоқли ҳисса қўшган механизатор Зокиржон Абдуллаев, сувчилар Рустамжон Акбаров, Гофиржон Қамбаров, пудратчилар Ойдина Мамажоновна, Донахон Раҳимовалар кузги-қишқи тадбирларни амалга оширишда ҳам бошқаларга ўрناк бўлмоқда. Шунингдек, жамоа "Яшил макон" умумимиллий кўчат экиш лойиҳасида фаоллик кўрсатмоқда. Улар яқинда ўтказилган ҳашарда Уруғчиликни ривожлантириш вилоят маркази ишчи-ҳодимлари билан биргаликда 0,5 гектарлик янги бог ташкил этди ва унга "Шукроналик боғи", дея ном берилди.

Равшанбек МИРЗОЛИМОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Буюк келажакни биргаликда қураимиз
Эзгу ғоя тарғиботи йўлидаги китоб

Шу номли рисола ни ўқиб...

"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ОСТОНАСИДА"

ёхуд Президентимиз ғоялари илм-фан, маънавият ва маърифат, инсонпарварлик асосида қудратли кучга айланмоқда

Ўзбекистон замини тарихда буюк Уйғониш даврларига бешик бўлган. Дунё илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган, улуг мутафаккирларни етиштириб берган ҳам бугун Учинчи Ренессанс пойдеворини қураётган Янги Ўзбекистонимиз заминидир. "Янги Ўзбекистон" ва "Учинчи Ренессанс" сўзлари ҳаётимизда ҳудди эгизаклардек бир-бирига уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграб турибди. Халқимизни улуг мақсадлар сари руҳлантирмоқда.



Муртазо РАХМАТОВ,
иқтисод фанлари доктори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
иқтисодчи, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Илм-фан борасидаги улкан ўзгаришлар алал-оқибат инсонларга бахт-саодат олиб келади. Шу мақсад йўлида тарихан жуда қисқа давр – кейинги беш йил ичида мамлакатимизда бутунлай янгича сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-иқтисодий, илмий-маърифий ва адабий-маданий муҳит яратилгани боис инқилобий эврикалар содир бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс асосини яратиш борасидаги ғояси ва ташаббуси рўйи йўлида шиддатли ислохотлар амалга оширилмоқда, инқилобий муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Эндиликда давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бугунги йўракчаб шароитда юртимизда бошланган кенг қамровли ислохотлар, Янги Ўзбекистонни барпо этиш сари ташлаётган дадил қадамларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш энг асосий вазифамиз бўлиши шарт. Мамлакатимиздаги ички ўзгаришларнинг натижалари Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборига салмоқли таъсир кўрсатди.

Шу ва бошқа келажакимиз истиқболлари пойдевори мустаҳкам бўлишига замин яратиб берган ислохотлар ҳақидаги тасавуруларим хусусида анчадан буён ёзишни ниёт қилиб юрган эдим. Бунга иқтисод фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи, Олий Мажлис Сенати аъзоси Муртазо Раҳматов ва биология фанлари доктори, профессор, академик Бақридин Зариповлар ҳаммуаллифлигида чоп этилган "Янги Ўзбекистон Учинчи Ренессанс остонасида" деб номланган рисола ни ўқиб турти бўлди.

Тўғриси, Янги Ўзбекистон меъмори ва ташаббускори бўлган Президентимиз Шавкат Мирзиёев юқори минбарда туриб "Учинчи Ренессанс ҳақида илк бора сўзлаган кунлари бу улугвор ғояларни ўзидан муҳасам этган ренессанс сўзини айтишга тилим келишмай қийналган эдим. Уйғониш, қайта тикланиш,

юқалиш деб изоҳланадиган "ренессанс" ибораси ҳаётимизга кириб келди.

Рисола ни ўқиб шундай ҳақиқатни англадимки, Ўзбекистонни ўз тарихий, цивилизация ўрнини янгидан тиклашнинг ўзбек халқининг генетик инсоний салоҳиятига монанд тараққиёт даражасини таъминлашнинг, Учинчи Ренессанс тамал тошини қўйишнинг айна мавриди келибди. Бу шунчаки баланд-парвоз шир эмас. Энг аввало, илгариги уйғониш даврлар сабоқларидан илҳом олиб, саъй-ҳаракатларимизни замон талаблари, давр руҳияти билан уйғунлаштирмоғимиз лозим. Миллий тарихимизда икки Ренессанс даврларига асос солган улуг аждодларимиз, аллома болболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонларини рўйга чиқариш, энг асосийси, ёш авлодни бунёдкорлик, яратувчанлик, ўқиш ва изланишга даъват йўлидаги улугвор мақсаддир.

Мамлакатимиздаги демократик янгиланишлар, кенг имкониятлар ва инқилобий ўзгаришлар бундан атиги беш йил олдин Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган дастурлар ижроси натижасидир. Таниқли адиб Абдусидқ Қўчимов лутф қилганидек, Ҳаракатлар стратегияси минг-минглаб чим босган чашмаю булоқларнинг кўзларини очиб юборган эди. Булоқлар ирмоқларга, ирмоқлар дарёларга айланди, дарёлар чўлу саҳраларга ҳаёт олиб кирди, паришон юракларга нур бағишлади, умид чирокларини ёқиб юборди.

Рисолада Президент Шавкат Мирзиёев ҳокимият тепасига келган, мамлакат ташқи сиёсати тарихида янги давр бошлангани, бунда асосий эътибор минтақа давлатлари билан яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатишга хизмат қилганидан прагматик ва очик сиёсатга қаратилгани хусусида ҳам қайдлар бор.

Кўшни давлатлар – Қирғизистон ва Тожикистон билан алоқалар тубдан яхшилангани Марказий Осиё минтақаси марказида бўлган республикамизнинг барқарор ривожланишига ва яхши қўшничиликдан манфаатдорлигига муносиб хизмат қилди. Ўзбекистон ва Қирғизистон давлат чегаралари тўғрисидаги битим имзолангани, икки қардош халқлар ўртасидаги темир пардалар кўтарилиб, икки мамлакат фуқаролари чегарадан эмин-эркин ўтиш имконига эга бўлди.

Инсонпарварлик руҳидаги бу қарор икки қардош халқлар учун мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик учун имконият

дарвозаларини очди. Академик Ҳабиб Абдуллаев таваллуд топган Қирғизистоннинг Аравонда туғилиб, Ўзбекистонда ўқиб, ундим. Қирқ йилдан бери ўзбек журналистикаси даргоҳларида, жамоат ташкилотларида турли масъулиятли вазифаларда меҳнат қилиб, иқбол-эътибор топган ижодкор сифатида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бундай Қаҳрамонлиги ва жасорати олдида



Бақридин ЗАРИПОВ,
биология фанлари доктори, профессор,
академик.

таъзим қиламан...

Тожикистон раҳбари Эмомали Раҳмон Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишда Ўзбекистон Президентининг ролини шундай баҳолайди: "Тўпланган муаммолар шу қадар қисқа вақт ичида ҳал бўлишини тасаввур қила олармик? Ҳатто халқроқ ташкилотлар ҳам бунга ишонинишмади. Бугунги кунда давлатларимиз ўртасида ҳал қилинмаган муаммолар йўқ, ўзаро ишонч муҳити ўрнатилди. Бу муносабатларнинг ташаббускори ва меъмор Шавкат Мирзиёевдир".

Мазкур асар саҳифаларида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Янги Ўзбекистонни бунёд эттиш борасида амалга оширилган шиддатли ислохотлар ҳақида дунё давлатлари раҳбарлари, сиёсатчилар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, санъат ва маданият намояндларининг эътирофлари фикрларидан иҳтибослар келтирилган.

Шарқ кўеши илм-фан, маърифат, маънавият, маданият, санъат эйбис бутун борлиқни мунавар қилган. Табаррук ва кутлуг заминидан чиққан аждодларимиз тарихда бир эмас, иккига маърифат Ренессанс асос солган. Надомат ва афсус билан айтаманки, собиқ совет даврининг мустабидлик сиёсати туфайли Фарб уйғониш даври ҳақида гапирилиб, Шарқдаги Уйғониш хусусида оғиз очилмаган.

Ренессансининг асосий аломатлари тафаккурда ва илму ижодда догматизм, жаҳолат ва мутаассибликни ёриб ўтиш, инсонни улуглаш, унинг истеъдоди, ақлий фикрий имкониятларини юзага чиқариш, антик давр маданиятига қайтиб, уни тиклаш, бойитиш, адабиёт ва санъатда дунёвий гўзаллик, ҳаёт

тароналарини қизгин қуйлаш, инсон эрки, ҳурфикрлик учун курашдир.

Китобсевар ўқувчи буюк тамаддунга бешик бўлган кутлуг заминимиздан чиққан машҳур даҳоларимиз, жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари ривожига беҳис таъсир кўрсатган буюк алломаларимиз ҳақида ҳам қимматли маълумотлар олади.

Ислохотларнинг янги даврида мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан инновацион тизим – кластерлар тизими жорий этилди. Соҳада ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг бу усули Учинчи Ренессансга мустаҳкам иқтисодий асос яратишга хизмат қилляпти.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида етиштирилган пахта хомашёсининг бор йўғи 7 фоизи ўзимизда қайта ишланар эди. 2016 йилда бу кўрсаткич 37 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда 100 фоизга етди. Тола экспорти тажрибаси тамоман барҳам топди. "Пахта ни сотиш эмас, қайта ишлаш керак. Маҳсулот қилиш керак, қўшимча қиймат билан сотиш керак. Даромад топиш керак, манфаат бўлиши керак." Президентимизнинг қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиётини ривожлантириш мақсадидаги бу кўрсатмалари кластерлар томонидан амалга оширилди. Пахта етиштириб ва уни чуқур қайта ишлашга киришилди.

122 та пахта-тўқимачилик кластеридан 39 тасида пахта ни чуқур қайта ишлаб, юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш цикли яратилди.

Илғор кластерлар пахта ни чуқур қайта ишлаш орқали 1,5-1,8 АҚШ долларлик бир килограмм пахта толаси қийматини ўн баробарга ошириб. 15-20 АҚШ долларлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди.

Бугунги кунда муаллиф Муртазо Раҳматов раҳбарлик қилаётган "Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари" уюшмаси тизимида фаолият юритаётган кластерлар томонидан амалиётга интенсив ва инновацион агротехнологиялар қўлланилаётгани ҳам қўвончлидир.

Қўлимиздаги рисола асар кенг китобхоналар оммасига мўлжалланган бўлиб, таълим муассасалари, ўқув юртлири, иқтисодиёт, қишлоқ ва сув ҳўжалиги ходимлари учун қўлланма бўлиб ҳам хизмат қилади. "Янги Ўзбекистон учинчи ренессанс остонасида" асари "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририяти билан ҳамкорликда нашр этилди. Ушбу рисолага таниқли журналист, "Ишонч" газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Анвар Қўлмуродов, "Халқ сўзи" газетаси муҳбири, "Petromaruz Uzbekistan" компаниялар гуруҳи матбуот котиби Саид Раҳмоновлар муҳаррирлик қилган. Ҳар икки муҳаррир ҳам республика матбуотида самарали меҳнат қилиб, ўзбек журналистикаси ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ижодкорлардан ҳисобланган.

Ишонч билан айтаманки, Президентимиз раҳбарлигида Янги Уйғониш ва янги тамаддунга асос яратиб, буюк келажакни биргаликда қураимиз деган эзгу ғоя тарғиботи йўлидаги ушбу рисола ўқувчиларини хушнуд этади.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОВЕВ,
публицист.

Конституция яратилишидаги илк ҳуқуқий қадам сифатида ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши бўлди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши борасида гап борар экан, 1989 йил 21 октябрь кунли олиб борилган қизгин баҳс ва мунозаралардан сўнг халқимиз учун унутилмас тарихий воқеа юз берди.

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Ўзбек тили халқнинг маънавияти, турмуши, фикрлари ва унинг ҳар бир сўзи демакдир. Хусусан, "Давлат тили тўғрисида"ги Қонуннинг муҳим ҳуқуқий қондалари Қомусимизнинг 4-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаш, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди." дея муҳрлаб қўйилган. Хусусан, 1990 йилнинг 20 июнида эълон қилинган "Мустақиллик декларацияси"нинг 8-бандида Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилайди ва давлат белгиларини (герб, байроқ, мадҳия) ўзи таъсис этади, деб ёзилган қондаси ушбу ҳолатни янада мустаҳкамлади ҳамда Қомусимизнинг 5-моддасида "Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга." дея тасдиқланган. Шунингдек, декларациянинг 12-бандида ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси ишлаб чиқиши учун асос эканлиги қайд этилган. 1990 йил 21 июнь кунли Олий Кенгашининг қарори билан бир қатор давлат арбоблари, депутатлар ва махсус мутахассислардан иборат 64 нафар аъзолардан иборат Конституциявий комиссия тузилди ва Конституция лойиҳаси 2 йилдан ортиқроқ муддат давомда айнан шу комиссия томонидан тайёрланди. Истиқлол арафасида вужудга келган оғир шароит, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий кийинчиликлар, турли тўсиқларга қарамадан халқимизнинг асрий орусси – Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети ва мустақиллиги учун олға қадам босишда давом этилди.

1992 йил 8 сентябрда Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳоказаси учун тақдим этилди. Йилгилишда лойиҳани ниҳоясига етказиш ва таҳрирдан чиқариш учун ишчи гуруҳ тузилди. Конституциянинг илк лойиҳаси 1992 йил 26 сентябрь кунли тайёр бўлди. Конституция комиссиясига фуқаролардан минглаб хатлар келиб тушди, юздан ортиқ лойиҳалар тайёрланди. Тақлифлар, мулоҳазалар натижасида тайёрланган Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳоказаси учун тақдим этилди ва халқ томонидан маъқулланди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йил 8 декабрь кунли қабул қилинди.

Р. ҒОҒУРОВ,
Мажбурий икчи буюроси Тошкент шаҳар бошқармаси
иқтисодиёт бўлими тўқимачилик бўлими икчиси.

"РАСМИЙ СТАТИСТИКА ТЎҒРИСИДА"ГИ
ҚОНУН МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО
МИКЁСДАГИ НУФУЗИНИ ЯНАДА
ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Жорий йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикасининг "Расмий статистика тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Айтиш жоизки, ушбу қонун мамлакат миллий статистика тизимининг ҳуқуқий асосини яратди.

Ундаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, қамров ва сифат талаблари кенглиги ва тўлиқлигини ифодалаш мақсадида қонун билан "давлат статистикаси" ёки "миллий статистика" ўрнига "расмий статистика" атамаси жорий қилинди. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат статистика тўғрисида"ги Қонуни 2002 йилда қабул қилинган бўлиб, таҳлиллар мазкур қонуннинг халқаро андозаларга, бугунги кун талаблари ва чакриқларига тўлиқ мос келмаслигини кўрсатди. Шу боис, халқаро амалиёт ва илғор хорижий тажрибаларга таянган ҳолда статистика соҳасининг амалдаги қонунчилик асосларини такомиллаштиришга қарор қилинди. Мазкур масала "2020-2025 йилларда статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси"да муҳим вазифа сифатида белгилаб берилди.

Янги қонунни ишлаб чиқишда БМТнинг европа иқтисодий комиссияси томонидан Шарқий европа, Кавказ ва Марказий Осиё давлатлари учун махсус ишлаб чиқилган Расмий статистика тўғрисидаги модел қонунига таянildi. Мазкур қонун 7 та боб ва 44 та моддадан иборат бўлиб, расмий статистика соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни назарда тутди. Унда Расмий статистикани тайёрловчиларнинг, респондентларнинг, маъмурий маълумотларни етказиб бериувчиларнинг ҳамда расмий статистикадан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, статистика дастурлари, кузатувлари, рўйхатга олишлар, уларни тузиш ва тасдиқлаш, маълумотларни эълон қилиш тартиби кўрсатиб ўтилган. Лўнда қилиб айтганда, мазкур қонун миллий статистика тизими фаолиятини тартибга солиши баробарида, расмий статистиканинг очкилиги ва шаффофлигини таъминлаш борасидаги ислохотларнинг натижадорлигига эришиш, фойдаланувчиларнинг ишончли, сифатли ва долзарб расмий статистик маълумотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва шак-шубҳасиз мамлакатнинг халқаро миқёсдаги нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Ф. ҲУЖАЕВА,
Тошкент шаҳар статистика
бошқармаси ахборот
хизмати.

УЛАР SHOIRLARGA
ILHOM BAXSHI ETGAN

Ulkan tarixiy voqealar, buyuk shaxslar haqida xalq doim o'z fikrini aytib kelgan. Shunday yorqin saymolar borki, ularning xotirasi hamisha xalqning qalbida. Bunday kishilarning alyanov ishlari, qahramonliklari umumbashariy ahamiyat kasb etib, ularning o'zlarini ham, bir xalq vakili doirasidan chiqib, jamiki insoniyatning farzandiga aylanadilar.

Uyg'onish davrining buyuk vakillari ijodida qandaydir umumiylikni ko'rish mumkin. Uyg'onish davri turli vaqtlarda, har joyda o'ziga xos tarzda kechgan bilan barcha xalqlar madaniyati va adabiyotida umumiy o'xshash tomonlari ham vujudga keltirgan. Bu davr turli vaqtlarda har joyda o'ziga xos tarzda kechgan bilan barcha xalqlar madaniyati va adabiyotida umumiy o'xshash tomonlari ham vujudga keltirgan. Uyg'onish davri allomalarining ijodi bir xalq doirasidan chiqib, boshqa xalq ijokorlariga ta'sir qilishi shubhasiz. Hazrat Navoiyning asarlari o'z hayotiyotidayoq vatanidan uzoq-uzoqlarda mashhur edi. Hech bir xalq Navoiy ijodi bilan tanishgach, unga beqarar bo'lmagan. Sharq xalqlari o'rtasida, ayniqsa, turkiy xalqlar o'rtasida shoir g'azallari sevilib o'qilibgina qolmay, uning g'azallariga naziralar bag'ishlangan, epik asarlaridan ilhomlanib dostonlar yaratilgan. Umrinisla MIRJALILOVA

ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК
СОҲА РИВОЖИДА МУҲИМ
ЎРИН ТУТАДИ

Кеча Миллий матбуот марказида Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг "Давлат хизматида манфаатлар тўқнашуви ҳамда коррупция ҳолатларининг олдини олиш, уни бартараф этиш" мавзусидаги ҳамда вазирликнинг ички аудит хизмати фаолиятининг 9 ойлик натижалари, келусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 24 февралдаги қарорига асосан, вазирликнинг марказий аппарати тузилмасида 7 штат бирлигидан иборат Ички аудит ва комплаенс-назорат бошқармаси ҳамда ҳудудий бошқармаларда 1 штат бирлигидан иборат жами 13 та Ички аудит ва комплаенс-назорат бош мухасисси лавозимлари ташкил этилиб, кадрлар билан тўлдириб берилмоқда.

Кадрлар ҳужуматининг тегишли қарори талабларига биноан очик ва ошкора танлов асосида танлаб олинмоқда. Ходимлар учун малака ошириш, натижадорликни баҳолаш ва лавозим бўйича кўтарилиш мезонлари белгилаб берилмоқда. Ички аудит ва комплаенс-назорат бошқармасининг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартиби, шунингдек, раҳбар-ҳодимларнинг функционал

вазифалари ва масъулиятини белгилаш мақсадида бошқарма Низомини ишлаб чиқиш, тасдиқланди.

Айни вақтда аудит хизматининг мустақиллигини таъминлаш мақсадида унинг ҳудудий бошқарма ходимлари штатларини вазирликнинг марказий аппарати тузилмасига ўтказиш бўйича тақлиф тайёрланмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасига бюджет ва халқаро молия институтлари ҳисобидан ажратилган маблағларининг сарфланиши кўпчиликини қизиқтириши табиий. Чунки, даромадлару харажатларнинг очик ва шаффоф бўлиши соҳа ривожига ва такомиллашувида, шунингдек, амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини оширишда муҳим роль уйнайди.

Тадбирда берилган барча саволларга жавоб берилди.
Ҳанифа ШАМШИЕВА,
"Qishloq hayoti" муҳбири.

HAMKORLIKDAGI PROFILAKTIK TADBIRLAR
QANDAY NATIJA BERMUQDA?

Hududlarda yuzaga kelishi mumkin bo'lgan ko'ngilsiz vaziyatlardan muhofaza qilish va kuz-gish mavsumini betalofot o'tkazish maqsadida Yakkasaroy tumani Favqulodda vaziyatlar bo'limi xodimlari va axldor tashkilotlar hamkorligida hududlarda muntazam profilaktik tadbirlar uyushqoqlik bilan tashkil etilmoqda.

Xonadonlar, qurilish ob'ektlari, tunda insonlar qoluvchi maskanlar, savdo markazlari, ijtimoiy soha ob'ektlari va tadbirkorlik sub'ektlariga tabiiy va suyuqlirilgan gazdan foydalanishda xavfsizlik qoidalari hamda talablariga rioya etilishi, is gazidan zaharlanish, botulizm, gaz-havo

aralashmasining chaqnashi va boshqa yuzaga kelishi mumkin bo'lgan ko'ngilsiz hodisalarning oldini olish bo'yicha profilaktik tadbirlar o'tkazilmoqda. Tadbirlar doirasida aniqlangan kamchiliklar tegishliligi bo'yicha mutasaddi tashkilotlar tomonidan joyida bartaraf etilib, favqulodda

vaziyatlarning oldini olish yuzasidan tushuntirish va targ'ibot ishlari amalga oshirilmoqda. Bu boradagi amaliy harakatlarda tuman bo'yab davom ettirilmoqda.
Rustam ULXO'JAYEV,
Yakkasaroy tumani FVB
boshlig'i o'rinbosari, mayor.

ЁНГИНЛАРНИНГ КАМАЙИШИГА ЭРИШИЛМОҚДА

Шу билан бирга куз-қиш мавсумида ёнгин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш катта натижалар беради.

Хозирги кунда Сергели туманида ёнгин хавфсизлиги хизмати шахсий таркиби томонидан ушбу ойликни юқори савияда ўтказиш борасида ўзларига бириктирилган аҳоли яшаш уйлари ва корхона-ташкilotларда

тарғибот, ташвиқот ишлари кучайтирилган. Муассасаларнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги, хонадон эгаллари билан яшаш уйлари ёнгин хавфсизлиги ҳолати тўғрисида алоҳида тушунтириш ишлари олиб

борилмоқда. Бу бордаги ишлар ўз самарасини бериб, ўтган йилларга нисбатан аҳоли яшаш уйларида ёнгинлар сонининг камайишига эришилмоқда. Хулоса ўрнида айтсак, барчамиз Ёнгин хавфсизлиги

ойлигида фаол қатнашишимиз билан ўз тинччилигимизни ва осийишлаганимизни ўзимиз сақлаган бўламиз.
Ибодулла ЖУМАЕВ,
Сергели тумани
ФВБ П ва НБ инспектори,
лейтенант.

Эълонлар

Денов туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1996 йилда Холмўминова Дилором Абдуғаниевна номига берилган А 005939 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Педиятрия тиббиёт институтини қўшидаги академик лицей томонидан 2018 йилда Рўзиева Нодира Абдумин қизи номига берилган Л № 375100 (рўйхат рақами 480) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Агар, биз таълимни ўзгартирсак, таълим инсонни ўзгариради"

Муносабат

Янги институтда замонавий билим ва кўникмаларга эга мутахассислар тайёрланади



Кейинги йилларда мамлакатимиз бўйлаб барча соҳаларда бўлгани каби, аграр секторни ҳам ялпи ва тизимли трансформация қилиш, ушбу соҳани иқтисодийнинг асосий драйверларидан бирига айлантириш бўйича тизимли ислохотлар бошланди. Хусусан, соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, соҳага инвестицияларни кенг жалб қилиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига имтиёзлар беришдек муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз жорий йилнинг август ойида "Янги Ўзбекистон" газетаси бош муҳаррири билан бўлган суҳбатда, "Тасаввур қилинг, мустақиллик даврида, яъни, кейинги 30 йилда Ўзбекистон аҳолиси 15 миллион нафарга кўпайди. Бу ўртача бир мамлакат аҳолиси, демакдир. Қолаверса, вақт ўтиши, ҳаёт ўзгариши билан одамларнинг истеъмол талаби ва эҳтиёжлари ҳам мутасил ортиб бормоқда. Еримиз, сувимиз эса кўпаймаслиги табиий, албатта. Бундай ресурслар нафақат бизда, бугун дунёда чекланган. Бинобарин, биз энди ақлимизни, интеллектуал салоҳиятимизни, билим ва тажрибамизни оширишимиз, айнан ана шу омилларни иқтисодий ўсиш нуқталари ва ресурс манбаларига айлантиришимиз шарт.

Қўшимча 1000 ўринли ўқув бино, 240 ўринли талабалар турар жойи янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги ўқув бинода замонавий аудиториялар қаторида қишлоқ хўжалиги фанларини ўқитишда муҳим саналган 8 та ўқув-лабораториялари тўлиқ жиҳозланган бўлса, 2020 йилда қўшимча Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган 4 та ўқув-лаборатория жиҳозлари олиб келиб ўрнатилди ва фойдаланиш учун талаба ёшлар ихтиёрига берилди. Шунингдек, жорий йил охиригача Ислому тараққиёт банки иштирокидаги лойиҳа доирасида яна 4 та ўқув-лаборатория жиҳозлари олиб келиб ўрнатилди.

Хозирги кунда 3 та факультет ва 9 та кафедрани 150 дан ортиқ профессор-ўқитувчи 20 та бакалаврият таълим йўналишлари, 8 та магистратура мутахассисликлари бўйича 3000 га яқин талабаларга таълим-тарбия бериб келмоқда. 2021 йилда 9 та таълим йўналиши бўйича аграр секторга ўзининг муносиб ҳиссасини қўша оладиган 343 нафар илк битирувчи ўқишни тамомлади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ташкилот ва корхоналар эҳтиёжларини ўрганган ҳолда янгидан Агрономия (анор-чилик), Зооинженерия, Ветеринария медицинаси, Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида), Иқтисодий (қишлоқ хўжалигида) каби таълим йўналишлари бўйича ҳам кадрлар тайёрланиши йўлга қўйилди.

Филиал ҳузурида 3 та, жумладан, Қизилқум, Қумқўрғон, Денув Ҳазарбоғ агротехнологиялар техникумлари фаолияти йўлга қўйилди. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб академик лицей ҳам фаолият қўрсата бошлади. Президентимиз таъкидлаганларидек, бугунги кунда олдимизда турган энг асосий муаммолардан бири бу – республикамиз қишлоқ хўжалигида илм ва амалиётнинг бир-биридан узоқлашгани, аксарият ҳолларда узилиб қолганидир. Бир ҳақиқат барчамизга яхши маълум: илм ва изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва умуман, бирор-бир соҳанинг келажаги бўлмайди. Шу боисдан, биз, раҳбар ва педагог ходимлар бунга чуқур ҳис қилган ҳолда ўтган давр мобайнида бир қатор натижаларга эришган бўлсакда, Президентимизнинг таълим ва илм-фан соҳаси вакиллари билан ўтказган учрашув ва йилгишларидан белгилаб берган вазифа-



лар, олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, 2020-2030 йилларда Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси, аграр таълим тизимининг 2030 йилгача бўлган инновацион ривожланиш стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, келгусида амалга оширишимиз лозим бўлган устувор вазифаларни режа қилиб олганмиз ва амалга ошириб келмоқдамиз.

Хорижий ҳамкорлар билан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги долзарб муаммолар ечими бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган давр мобайнида хорижий илмий-тадқиқот марказлари грантлари ва хорижий илмий фондлари маблағлари ҳисобига жами 2 млрд. сўмдан ортиқ маблағ жалб этилди. Профессор-ўқитувчилар томонидан 8 та дарслик, 9 та ўқув қўлланма ва 8 та монография, 2020 йилнинг ўзиде 400 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этилди, шундан хорижий илмий журналларда 54 та, маҳаллий ОАК эътироф этган журналларда 51 та ва хорижий анжуманларда 110 дан ортиқ, Республика микёсидаги анжуманларда 200 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар ҳисобланади.

Президентимиз "Агар, биз таълимни ўзгартирсак, таълим инсонни ўзгариради. Инсон ўзгарса – бутун жаҳмиёт ўзгаради" – деганлари бежис эмас албатта. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, давлат раҳбарининг жорий йилнинг 28 октябрда "Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти" ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорининг қабул қилиниши қишлоқ хўжалиги соҳаси ва тармоқлари учун кадрлар тайёрлаш, таълимни тубдан яхшилаш, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш, ҳудуднинг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим омил бўлади. Мазкур қарор билан, янги институт фаолиятини


ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлаш мақсадида бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бириктирилган илмий-тадқиқот институтлари, ташкилотлар ва илмий хўжалик субъектлари рўйхати, талабаларнинг амалиёт ўтлашлари учун илмий-тадқиқот институтлари, ташкилотлар ва илмий хўжалик субъектлари рўйхати ҳам тасдиқланди.

Янги институтнинг асосий вазифаси сифатида, туپроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб ҳудудларни иқтисодлаштириш, экспортбон ва даромадбон қишлоқ хўжалиги эканларини етиштиришни ташкил этиш, қишлоқ хўжалигида инновацион ресурстежамкор технологияларни ҳамда рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш этиб белгиланди. Бунда ўқув машғулотлари, малакавий амалиётларни ўтатиш талабаларни инновацион ва янги фикрлашга йўналтирадиган янги ўқитиш технологияларини ҳамда уларнинг мураккаб изланиши таъминловчи механизмлар жорий қилинди. Институтда, Сурхондарё вилоятининг туپроқ-иқлим шароитида қишлоқ хўжалиги эканларини, жумладан, мевали ва ёгноқ мевали, сабзавот, полиз, дон-дуққакли, субтропик ва тропик эканларни парвартиштиришнинг бионано ва ресурстежамкор ҳамда интенсив технологияларини ишлаб чиқиш, институт ер майдонларида ички ва ташқи бозор эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги эканларининг серхосил, шўр ва қўроқчиликка, касаллик ҳамда зараркундаларга чидамли нав ва дургайлари селекцияси ҳамда уручилигини йўлга қўйиш, илмий ходимларнинг илгор инновацион технологияларни яратиш бўйича ташаббускорлигини қўллаб-қув-

ватлаш, уларнинг новаторлик гояларини ишлаб чиқаришда жорий этишга кўмаклашиш, кластерлар, кооперациялар, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун кўргазмалар дала майдонларини ташкил этиш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш, ривожланган хорижий илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва магистрларнинг малакасини ошириш чоралари кўрилувчи. Худуднинг кадрларга бўлган эҳтиёжини зътиборга олиб, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, қишлоқ хўжалиги соҳаси учун республикада илк маротаба бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кечки таълим ташкил этилади. Илмий салоҳиятини ошириш учун олий таълимдан кейинги таълим, яъни докторантурага қишлоқ хўжалиги иқтисодчилари бўйича қабул амалга оширилади. Институтнинг "Анорчилик" йўналишидаги профессор-ўқитувчилари ва ёш олимлари анор етиштириш тажрибасини ўрганиш учун илгор хорижий давлатларга малака ошириш курсларига юборилади. Профессор-ўқитувчилар, илмий ва техник-муҳандис ходимларини ҳар йили Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасаларида, илмий-тадқиқот марказларида, агрокластерларда, кооперацияларда ва илмий ишлаб чиқариш ташкилотларида тажриба ўтлашлари йўлга қўйилди. Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан талабалар, магистрлар ва илмий изланувчилар ҳамда ёш профессор-ўқитувчиларнинг илмий ишланмалари асосида лойиҳаларнинг стартапларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш билан шуғулланувчи IT-инкубатор илмий инновацион маркази ташкил этилади.

Институтга тегишли ер майдонларида ҳалқаро грант маблағлари ҳисобидан анор, хурмо, лимон, қора олхўри, узум ва бошқа мева-сабзавотларнинг юқори ҳосилли, йилга 2-3 маротаба ҳосил олишга имкон берадиган навларини яратиш бўйича кўргазмалар дала майдонлари барпо этилади, анор, хурмо, лимон, қора олхўри ва узум етиштиришнинг самарадор агротехнологияларини яратиш бўйича бажариладиган йиллик мақсадли илмий лойиҳалар амалга оширилади. Институт ҳудудида бино ва иншоотлар қурилади, реконструкция ҳамда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, талабалар контингентининг ортиб бориши ҳисобга олиниб, институтга яқин ҳудуддан қўшимча бино ажратилади. Институтимизда жамоаси бўлашақда, сидқидилдин меҳнат қилган ҳолда самарали натижаларга эришсаверсак, янги олий таълим муассасамиз ҳақиқий зини масканга айланади. Ҳеч шубҳасиз, бу ишлар натижасида аграр соҳада мутахассис кадр бўлиши мақсад қилган ёшлар ва уларнинг ота-оналарининг эътирофларига сазовор бўлаемиз.

Абдуғаффор ЖҲУРАЕВ,
Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали директори, иқтисодий фанлари доктори, профессор.



БОБОЁНҒОҚ

Зомин қўриқхонасидаги улкан ёгноқ дарахтига бағишланади.

Эй заминнинг эрка ниҳоли,
Тоғ бағрида улкан паҳлавон,
Умрида мен сенидек ҳали
Бобоёгноқ кўрмоғим ишон.
Қаддинг қўриб ҳайратга тўғим
Вужудимни ҳаяжон босди.
Етти юза қирибсан дўстим,
Бу шунчаки гап эмас ростим.
Тоғ бағрида, овлоқ бир жойда
Маскан тўтиши асли ёмонмас.
Бар танада етти оғайни -
Аҳил бўлиб яшаш осонмас.
Қайда бўлса тугилдикми, бас
Ўша жойда бордир ўрнимиз.
Одамимиз, ҳайвоним эҳас
Кетар узоқ яшаб юртимиз.

Етти юз йил - етти аср бу,
Не ишларга гувоҳ бўлгансан.
Келганида шодлик ва қайгу
Бирда яшаб, бирда сўзлансан.
Ким билади, сени эҳтимол
Экиб кетган Бобоқарғадир.
Тош остига қўмиб ўша чол
Тополмасдан улган бир умр.
Қарғачалар ушандан бўён
Тақорлайди бобосин ишин.
Ёгноқ топса, барчага аён
Қўмиб кетар қидириш учун.

Сен қўқарган бир дарахт бўлсан,
Инсон эрур бизнинг аслимиз.
Сен ёгноқдан қўпайган бўлсан,
Биз Одамнинг эрка наслимиз.
Биз ҳам сенинг шохинга ўхшаб
Мағрур етти ўғлон бўлганмиз.
Сўнгра етти иқлимга тарқаб,
Ер шарини бўлиб олганмиз.
Сайёрамиз асли шу десан,
Худди яшил меванга ўхшар.
Ичибсан мағзи нақд бўлсан,
Миямизнинг ўзи, алҳазар.
Демак боғлик жойимиз ҳам бор,
Ҳали фанса маълум бўлмаган.
Бир кун келиб бўлади ошкор,
Сир қолмайди инсон билмаган.
Омаён бор дарахт экансан,
Етти мучанг соғ ва саломат.
Бақки ина шунча яшарсан,
Келажакка биздан салом айт!

Мухаддин ОМАД

Эълонлар

- 100155. Тошкент шаҳар Янги ҳаёт тумани Жанубий промзонаси Дарё бўйи кўчаси 48-уй манзилдаги "SNACKS PLANET" МЧК (СТИР: 302310450) 100033. Тошкент ш. Бектимиёр т. Олтинтопан кўчаси 40-уй манзилдаги "INTERSOK" МЧК (СТИР: 204979861100033)га қўшилиш йўли билан қайта ташкил этилишини маълум қилади. Кредиторлар 30 кун ичида 100033. Тошкент ш. Бектимиёр т. Олтинтопан кўчаси 40-уй манзили бўйича мурожаат қилишлари мумкин.
- Тошкент шаҳар Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази томонидан 1996 йил 28 майда Верютина Инна Алексеевна номига берилган 1475-сонли рақам билан қайд қилинган диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
- Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 09.07.2015 йилда рўйхатдан ўтган Шайхонтоҳур тумани Есенина кўчаси 1-уйда жойлашган (ИНН 303390068) "MEDIA INNOVATIONS" ХК 23.11.2021 йилдаги қарорга асосан тугатилганини маълум қилади.
- Тошкент шаҳри Мирзо-Улугбек туманидаги Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи томонидан 2018 йилда Қадамова Мунисахон Умиджон қизи номига берилган диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
- Бухоро педагогика техникуми томонидан 2001 йилда Шомуродова Гулнеҳра Равшановна номига берилган диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
- Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги 44-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2020 йилда Баҳромжўраев Дурбек Дилшод ўғли номига берилган UM № 0718515 (рўйхат рақами 36) рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

НАҲОТИ

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси комплекс таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир ҳайъати:

Жамшид ХУЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ,
Шухрат ТЕШАЕВ, Мухаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифачилик-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажи 2 босма табоқ, офсет усулида босилди, қроғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ - 144. Буюртма Г-1147. 1851 нусхада чоп этилди.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона - (0-371) 236-26-50.
Факс - (0-371) 233-09-93.
Реклама ва эълонлар - (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.



ISSN 2010-7033
Босишга топширилди: 23:00